

# ТОШКЕНТ

## Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 4 октябрдан чиқа бошлаган.

© № 229 (6. 120) ©

1986 йил 4 октябрь, шанба

Баҳоси 3 тийин

## КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 2 октябрь кунини бўлиб ўтган мажлисида Краснодар ўлкасидаги «Кубань» агропрокат комбинатининг ишидаги ижобий натижаларни қайд этди ҳамда РСФСР, Украина ССР ва Белоруссия ССРда яна ўн тўртта мана шундай комбинат барпо этиш тўғрисидаги тақлифларни маъқуллади. Мана шу янги комбинатларнинг бош вазифаси янги техника ва технология негизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва юқори сифатли озиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан, маҳсулотни хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи қоплаш асосида етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва реализация қилишни амалга оширишдан иборат. Келгусида бошқа республикалар, ўлкалар ва областларда ҳам тажриба тариқасида агропрокат комбинатлари барпо этиш мақсада мувофиқ деб топилди.

Сиёсий бюроси социалистик қонунчилигини янада мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилиб, қайта қуриш ва социалистик демократияни чуқурлаштириш шароитида

қонунларга муттасил риоя этилиши давлатчилигимизни, халқнинг ўзини-ўзи бошқаришни ривожлантириш, социал адолатни ҳамда меҳнатқилларнинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликларини мустақамлигини таъминлаш учун янада каттароқ аҳамият касб этаётганлигини таъкидлади. Шу муносабат билан прокуратура, милиция, судларнинг ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи бошқа органларнинг ишлари изчиллик билан қайта қуриш зарур. Улар ҳуқуқ-тартиботга жуда каттиқ риоя этиш намунаси бўлиб хизмат қилишлари, граждандарнинг манфаатларини пухта ҳимоя қилишлари ва шу билан бирга жамиятга зид ҳодисаларнинг пайини қатъият билан қирқилари, жиноятчиликка ва ҳуқуқни бошқа тарзда бузишларга қарши муроасиз кураш олиб боришлари керак. Конкрет ишларни текшириш ва суд қилишга бирон-бир томондан аравалиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга йўл қўйиш мумкин эмаслиги қўсатиб ўтилди. [Партия комитетларига қонунчилигини мустаҳкамлаш

соҳасидаги ишни энг муҳим сиёсий вазифалардан бири деб билиш тақлиф қилинди. Жамият ва давлат манфаатлари учун, совет гражданининг меҳнат қилиш, уй-жойли бўлиш ҳуқуқларига ва бошқа ҳуқуқларига ҳеч сўзсиз риоя этилиши учун курашда министриликлар ва идораларнинг, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларининг масъулиятини янада ошириш йўналишлари белгилаб берилди.

Сиёсий бюроси Чернобыль атом электр станциясидаги авария оқибатларини тугатиш ишлари қандай бораётганини қўриб чиқди. Шикастланган реакторни консервациялаш, ифлосланган территорияни дезактивациялаш, АЭСнинг биринчи ва иккинчи энергетика блокларини ишга туширишга тайёрлаш юзасидан катта миқёсдаги тадбирлар амалга оширилганлиги қайд этилди. Сув ресурсларининг радиактив даражалардан пухта ҳимоя қилиниши таъминланди. Меҳнатга лойиқатли ҳамма граждандар иш билан таъминланди.

Қўйрилган аҳоли учун 8 мингтадан кўпроқ уй қурилади яна 6 мингтага яқин шинам уй-жой биносини қуриш давом этмоқда.

Сиёсий бюроси МАГАТЭга аъзо бўлган мамлакатларнинг ядро энергетикаси хавфсизлигини ошириш масалаларига бағишланган кенгаши яқунлари тўғрисидаги ахбороти тинглад. Совет ташкилотларининг МАГАТЭ фаолиятининг ҳамма соҳалари юзасидан, аввало атом энергетикасининг барқарор ва хавфсиз ривожлантириш халқаро режимини бузудга келтириш масалалари юзасидан шу ташкилот билан муносабатларни ривожлантириш йўлини давом эттириш катта аҳамиятга эга эканини қўйди.

Сиёсий бюроси М. С. Горбачёв, А. А. Громико ўртоқларининг ва бошқа совет раҳбарларининг Малагасия революцияси Авангард партиясининг Бош секретари, Малагасия Демократик Республикасининг Президенти Д. Радриак билан ўтказган музокаралари яқунла-

рини қўриб чиқди. Иккала мамлакатнинг музокарада тасдиқланган ҳозирги халқаро ҳаёт энг муҳим муаммоларига ёндашуви муштарак эканлиги қайд этилди. Совет—Малагасия дўстлик муносабатларини янада ривожлантириш йўли маъқулланди.

Ўртоқ М. С. Соломенцевнинг КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия Контроли Комитети делегациясининг Венгрия Халқ Республикасида қилган сафари тўғрисидаги ахбороти ҳамда Ўртоқ Н. Н. Слюньковнинг СССР Олий Совети делегациясининг Чехослования Социалистик Республикасида қилган расмий визити яқунлари тўғрисидаги ахбороти тингланди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси партия турмуши ва давлат қурилишининг бошқа баъзи масалаларини, шунингдек Коммунистик партия билан Совет давлати олга сурган кенг миёсали тинчлик ташаббуслари қандай амалга оширилаётганлигини муҳокама қилди.

## Замондонимиз



Эртага—Ўқитувчилар кун

## Инсон руҳининг инженери

Ўқитувчи! Шу биргина сўзда илм-фан боғининг ботини, ҳаёт сабоқларининг ўргатувчи сарбони, нуруний чехра устозлар кўз ўнгимизга келади. Атоқли давлат арбоби М. И. Калинин шарафли бу касб эгаларининг эзгу меҳнатини таърифлаб: «Ўқитувчи — инсон руҳининг инженери», деган эди. Ҳар бир қалбада ўқитувчи-устозларга камолоти ахтиром, иззат-икром жўш уриб туради. Шахримиздаги юзлаб билим масканларида сидқидил ўқитувчилар фидокорлик билан ёш авлоднинг чинакам коммунистик руҳда тарбиялаб келмоқдалар. Шундай илгор коммунист ўқитувчилардан бири Ҳалимаҳон Норкулова Октябрь районидagi 41-ўрта мактабда бошланғич синфда дарс бериб, педагогик коллективнинг ҳурмат-иззатига сазовор бўлаяпти.

— Мен ёшлигимдан ўқитувчи бўлишни, ёш авлоднинг тарбиялашни севиб орзу қилардим. Қўқондаги «Правда» номли хотин-қизлар билим юртини, кейин Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг инглиз тили факультетини тугатиб, ўқитувчи бўлиш ниятига етдим. Ўн беш йилдирки, бу шарафли касбни иштыёқ билан адо этиб келяман.

Интилганга—толе ёр бўлади. Ҳалимаҳон ўқитувчилик касбини эъзозлаб, ёшлар тарбияси учун тинмай жонкуярлик билан ишлаб келмоқда. У рус ва инглиз тилларини она тилдек яхши билади, жамоатчилик ишларида ғайрат кўрсатиб ишлайди. Шаҳардаги 102-ўрта мактабда ташкил этилган Ленинград фронтига қарашли музей филиалда Улуғ Ватан уруши ветерани, пенсиясиз ўқитувчи Қудрат ака Раҳматуллаев билан ибратли тадбирларни амалга оширмоқда, ўқувчиларни ҳарбий ва-

танпарварлик руҳида тарбиялашда музей фондидан кенг фойдаланилмоқда. Шу йил апрель ойида музей аъзолари Ленинград сафарига бўлганда Ҳалимаҳон Норкулова чет эллик туристларга мактабининг ҳарбий музейи ҳақида инглиз тилида ўндан ортқ сўхбатлар ўтказди. У жамоатчилик ишларидаги ташаббускорлиги учун Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари давлати медалига ва «Ўқитувчи» медалига таъинланди. Унинг олишга сазовор бўлди.

Ўқитувчи — онлада ҳам яхши тарбиячи. Ҳалимаҳоннинг фарзандлари Ҳасан, Зухра Заҳро, Улуғбеклар ота-она тарбиясида намунали ўқиб, мактабда яхши баҳолар билан ўқшапти. Ҳар бир онлада бўлганидек, бу онлада ҳам ўқитувчилик касби доим эъзозланади. Зеро, инсон учун нондан сўнг энг муҳим мактабдир. Ўқитувчи эса билим гушанининг ботини, ёшлар сарваридир. Буюк шоиримиз Алишер Навоий устоз-муаллимларнинг меҳнатларини улуғлаб мана бу байитни айтган эди: Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш раик ила, Аяламак бўлмас адо онинг ҳақин юз танк ила, Ўқитувчи-устозларимиз ҳарф ўргатишган, таълим-тарбия беришган, ҳаётнинг катта йўлини кўрсатишганки, уларга доимо таъзим бажо келтирамиз.

Т. РАСУЛЕВ.

СУРАТДА: ўқитувчи Ҳалимаҳон Норкулова. Т. Каримов фотоси. (Ўқитувчилар кунига бағишланган бошқа материалларни газетанинг учинчи саҳифасида ўқийсиз).

## Тонгги газеталарда

3 октябрь кунини Москвада, Э. Тельман номи билан аталувчи майдонда Германия Коммунистик партиясининг йўлбошчиси, икки интернационалист ҳайкалининг тантанали очилишда бағишланган митинг бўлди.

Ҳайкални очиш маросимида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачёв, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачёв, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари қўшади, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Н. Ельцин, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Ф. Добрынин ва В. А. Медведёв, бир қанча министриликлар ва идораларнинг раҳбарлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этилди.

Шу воқеа муносабати билан ГВСП Марказий Коми-

тетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер, Германия Коммунистик партиясининг Раиси Г. Мис, Габриель Берлин Бирлашган социалистик партиясининг раиси Х. Шмидт, Э. Тельманнинг қизи Ирма Габель-Тельман келишди.

Митинг ҳақидаги батафсил хисобот бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

Адабиёт ва санъат арбобларининг улар қайта қуриш жараёнига, совет жамиятининг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришишга қўшади қанча хиссан қўйишлари ва қишлоқлардаги коммунистик партиясининг қандай бўлиб ўтган ижодкор урғиларининг намоёндалари учрашуви қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Учрашувини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев очди.

КПСС Марказий Комитети Пропганда бўлимининг муdiri Ю. А. Скляров учрашув қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлади.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Ташкилий партиявий ишлар бўлими сектор муdiri В. И. Бессарабов, КПСС Марказий Комитети масъул ходимлари В. А. Сидоров, В. А. Ткаченко, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Х. Абдуллаева қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Мамлакат қурилиш комплексини бошқариш янада тақомиллаштириш тўғрисида» ва «Қурилишдаги хўжалик механизмининг тақомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини амалга ошириш юзасидан биринчи қалдаги вазидалар 3 октябрь кунини Тошкентда бўлиб ўтган республикаларо кенгашида қуриб чиқилди.

## Қайта қуриш—давр талаби

### Бир миллион сўмлик қўшимча маҳсулот

Тошкент ўпа-элик фабрикасида йил бошидан бери ишлаб чиқарилиб реализация қилинган маҳсулот 30 миллион сўмликка етади. Бу маҳсулотнинг 1 миллион сўмликдан ортинчи коллектив планга қўшимча тайёрлади.

3 маҳсулотини республикамиз ва Ўрта Осиёдаги ўнлаб шаҳарларга йўнатётган коллектив ишлаб чиқариш ҳажми. Ишчи, буомлар хилини кўпайтириш, ҳаридорлик маҳсулотлар тайёрлаш йўлида таймлай изланапти. Кейинги йилларнинг ўзида бу ерда

«Мальвина» болалар креми, соқол олингандан сўнг суриладиган витаминли крем, «Мессери» лосони ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлига қўйилди. Бу йил фабрикада жами 10 хил янги маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Янги бўйларнинг ўзлаштирилишида фабрика қандай маҳсулотларни ҳимоялашнинг хизмати салмоқли бўлади. Бу лабораторияда ўз касбини севган, юқори малакали мутахассислар тўплагани. Ҳозир фабрика конвейерларидан юз хилдан ортқ буюм тушириб олинапти.

С. ИКРОМОВ.

## Техника тараққиёти йўлидан

### Созловчи мослама

Корхонамизнинг гилдирак цехида янги техника пайдо бўлди. Тошкент темир йўл транспортини инженерлари институтининг доценти Анатолий Михайлович Грекин яратган темир йўл гилдирагини созловчи механик мослама ишлаб чиқаришди. Уни ветеран ишчи Николай Иванович Голубев бошқармоқда. Унинг бу ерда меҳнат қилганга 45 йил тўлди. Янги мослама унга бениз ишониб топширилган. У чинакам ишчи сулоласи бошлиғи. Умр йўлдоши Владимир Голубев ва ўғли Владимир Голубевлар ҳам ота билан

ҳамжиҳат шу корхонада меҳнат қилишмоқда.

Николай Ивановичнинг фикрича темир йўл гилдираги янги мосламада ишлов берилганда 15 минутда асли ҳолга келмоқда. Шундай қилиб, ҳар кун 12 минут темир йўл гилдираги янгилик бўлипти.

Мослама дастлаб заводимизда тадбир этилди. Шунингдек, у Ленинградда ҳам синовдан ўтди. Янгилик Польша ва бошқа мамлакатлар темир йўлчиларини ҳам қизиқтириб қолди.

А. БАҲОДИРОВ,

Октябрь революцияси номли темир йўл ремонт заводи.

## Маиший хизмат комплекслари

2-ўйсозлик комбинатининг коллективи «Қорасу-4» масивда аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган янги комплексни фойдаланишга топширди.

Умумий сатҳи 700 квадрат метрдан иборат бу корхонада либослар ательеси, радио ва телевизор аппаратлари устaxonаси, сарторошхона, химическа, прокат пункти жойлашди. Айни пайтда янги корхонада хизмат кўрсатадиган замонавий ускуналар ўрнатилмоқда.

Ленин районидagi Чиковани кўчасида ҳам аша шундай маиший хизмат комплекси қурилиши низоҳасига етказилмоқда. Унинг умумий фойдали сатҳи

328 квадрат метрдан иборат. У ерда эркаклар ва аёллар сарторошхонаси, соатлар ва трикотаж кийимлар устaxonаси, пофазел, радио ва телевизор аппаратлари устaxonалари жойлашди.

Бундан ташқари Ипподромная ва Гайдар кўчалари мунолишида янги замонавий сарторошхона қурилиши низоҳасига етказилмоқда. Унинг фойдали сатҳи 241 квадрат метрдан иборат. Янги сарторошхона қурилишига 119 минг сўм пул сарфланди.

Тошкент шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасидан маълум қилишларича учалла корхона келгуси ойда аҳолига хизмат кўрсата бошлайди.

## ПАХТАКОРГА МАДАДКОРМИЗ

### Фармацевтлар ҳиссаси

Серкўёш дёйримизда «оқ олтун» йиғини-термини қизгин паллага кирган шу кунларда Тошкент корхоналари ва муассасалари пахтакорларга яқиндан ёрдам беришмоқдалар. Бу борада республика дорикорлар бошқармаси маъмурияти ҳам ибратли ишларни амалга оширмоқда. Бу ҳақда бошқарма етакчи экономист-проектировщик Муяссар Қосимовна Қосимова бундай деди:

— Биз, фармацевтлар, пахтакорлар меҳнатини юксак қадрлаймиз. Уларга қўлимиздан келган тиббий ёрдамни бериш чораларини қўйимиз. Шу кунгача «колхоз ва совхозларга дорикорларнинг катта партияси жўнатилди. Дала шийпонлари учун 120 мингта махсус аптечкалар етказиб берилди.

Ҳар бир аптечкага 22 номдаги дорикорлар солинган. Механизатор аёллар ва термикорлар эътибордан четда қолгани йўқ. Уларга ҳам 18 хил дорикорлар солинган 55 мингта «Оналки» — болалик аптечкаси жўнатилди. Транспорт ходимлари учун 40 мингта махсус аптечка тайёрлаб юборилди.

| Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 3 октябргача бўлган МАЪЛУМОТ             |      |       |  |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------|-------|--|
| (Планга нисбатан процент ҳисобида)                                                                          |      |       |  |
| Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён. |      |       |  |
| Фарғона                                                                                                     | 3,14 | 50,19 |  |
| Бухоро                                                                                                      | 2,06 | 40,11 |  |
| Хоразм                                                                                                      | 2,65 | 38,02 |  |
| ҚҚАССР                                                                                                      | 2,46 | 38,01 |  |
| Сурхондарё                                                                                                  | 2,38 | 30,00 |  |
| Наманган                                                                                                    | 2,90 | 28,26 |  |
| Тошкент                                                                                                     | 3,94 | 28,18 |  |
| Самарқанд                                                                                                   | 2,10 | 20,09 |  |
| Андажон                                                                                                     | 1,64 | 19,50 |  |
| Навоий                                                                                                      | 1,71 | 18,96 |  |
| Қашқадарё                                                                                                   | 1,25 | 18,93 |  |
| Жиззах                                                                                                      | 2,44 | 17,42 |  |
| Сирдарё                                                                                                     | 3,73 | 15,95 |  |
| Республика бўйича:                                                                                          | 2,48 | 28,45 |  |

## Улуғ олим мадҳи

Ўрта аср Шарқининг буюк алломи Фиробий ўзининг бебаҳо илмий мероси билан бугун дунёга танилган. Унинг илмий фанларда доир асарларида жуда муҳим илмий-назарий масалалар илгари сурилган.

Улуғ олимнинг ёрқин образи қатор бадий санъат асарларида ўз ифодасини топти. Танқили қозоқ композитори К. Кумишбековнинг «Фиробий сози» номли музыкасида эса аллома ижодий фаолиятининг яна бир ёрқин кираиси жоибдор оҳангларда нафис талқин этилди.

Қозғистон композиторларининг энг яхши ижод намуналаридан бири сифатида у концерт программалардан муносиб ўрин олди. Ўзбекистон ССР Давлат халқ чолгу асбоблари оркестри ҳам жонивдор оҳангларга бой бу музикага мурожаат этди.

«Фиробий сози» яқинда оркестр концерт программасига киритилди.

А. АЛИЕВ.

## Қайта жонланган қўшиқлар

Италиялик хушовоз қўшиқчи Робертини Лорети ўз қўшиқ-

лари билан кўпчиликида яхши танилган эди. Олтиминг йилларининг бошида ёш ижрокчи сифатида музика шинавандалари эътиборини элга тортиган эди.

У қўйлаган «Ямайка», «О, меннинг қўшма!» каби қўшиқлар айниқса оммабашқар кетди. Илм-ингиллаб музика шинавандаларининг илтимоси билан Р. Лорети ижро этган аша шу сериоли ва ёқимли қўшиқлар граммофон ашуви орқали қайта оммабашқарилди.

Бугункилар «Мелодия» граммофон фирмаси тайёрлаган бу пластинкаларини Тошкентдаги граммофонлар заводи кинда кўп нусхада ишлаб чиқарди. Бу хайрли иш республикамиздаги воқеалар санъати илосмандларини беҳад мамун этди.

## Ўзбекистонда есенинхонлик

Сергей Есенин туғилган кунининг 91 йиллигига бағишлаб, Ўзбекистонда адабий ўқинилар бошланди. 3 октябрь кунини Тошкент политехника институтиди шу воқеа муносабати билан тантанали кеча бўлиб ўтди.

Республика шoirлари студентлар ва муаллимлар ҳузурига келиб, С. Есенин шеърларининг ўзбек тилига қилинган янги таржималарини ўқиб бердилар. Есенин қандам етган жойлар бўйлаб

қилинган сафарлар, Константиново, Ленинград ва Москвада шоирнинг қариндошлари, дўстлари билан бўлган учрашувлар тўғрисида таассуротларини ўртоқлашдилар. (ЎЗТАГ).

## Дам олиш кунини—стадионда

«Ташсельмаш» заводи ишчи-хизматчилари ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш борасида қувончли натижаларни қўлга киритишмоқда. Айни пайтда улар «Ташсельмаш» спорт клубининг ходимлари томонидан ташкил этилган тадбирларда иштирок этиб, саломатликларини мустаҳкамлашмоқда. Ҳар шанба ва якшанба кунини мусобақалар уюштириш аянга бўлиб қолди.

Ўтган якшанба кунини Невская кўчасида жойлашган «Сельмаш» ётоқхонасининг олдидagi спорт майдончалари гавжум бўлди. Бу ерда

футбол, стол тенниси, шахмат ва шашка бўйича баҳслар ташкил этилди. Футбол баҳсида саккиз команда қатнашди. Барча учрашувларини кўтарини руҳда ўтказган ётоқхона терма командаси биринчи ўринни қўлга киритди. Ҳал қилувчи учрашувда бу команда 22-цех командасини 1:0 ҳисобида енглди.

2-цех пайванличиси Сергей Шипилов шашкачилар мусобақасида биринчи ўринни қўлга киритди. Шахматчилар баҳсида эса 2-цех ишчиси Саъдулла Абдуллаев голиблигини қўлга киритди. Тош кўтариш баҳсида 1-цехнинг қоллиловчиси В. Сан-

дов энг яхши натижага эришди. У 24 килограммли тошини 63 марта даст кўтаришга муваффақ бўлди. Стол тенниси мусобақаларида 22-цех ишчиси В. Полнов голиб чиқди. Волейболчилар баҳсида ётоқхона терма командаси биринчи ўринни эгаллади.

Ишчи ва хизматчилар спорт мусобақаларида иштирок этиб, бўш вақтларини маъмулини ўтказишга муваффақ бўлишмоқда. Айни пайтда маҳоратларини ошириб, шаҳар миёсида ўтказиладиган мусобақаларда ўз корхоналарининг шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда.

## Чемпионнинг қўли баланд


«Кеча» Ленинградда Гарри Каспаров ва Анатолий Карпов ўртасидаги

жаҳон чемпионлиги учун реванш матчининг 22-партияси ўйнади. Бу сафар рақиблар фарзин гамбети усулини танлашди. Пертия 40-ўришдан

сўнг кечиктирилди. Кечиктирилган вазиятда жаҳон чемпиони нинг бир пиеда ортқ ва позицияон устуллик бор. Бугун партия давом эттирилди.

Шахмат





ЭРТАГА — ҲАҚИҚАТ КУНИ

Ҳикматнома

## ҲАЁТ БОҒБОНИ

♦ Уқитувчи — одамшунос, у баркамол инсонни яратди.  
♦ Уқитувчининг сўзи — мангу машъала.  
♦ Уқитувчининг умри мангу, чунки шогирдлари унга пайвандландилар.  
♦ Уқитувчининг онги онга ўлайди.  
♦ Уқитувчининг меҳри — ҳар қандай қаҳрдан устун.  
♦ Уқитувчининг меҳри иситадиган, қаҳри эса қўчатадигандир.  
♦ Уқитувчи фақат илмни эмас, ўз фаолиятини ҳам ўргатади.  
♦ Уқитувчи — муҳит бачкиларини бутаб борувчи боғбондир.  
♦ Уқитувчи — қалбларга одамийлик уруғларини сепади.  
♦ Уқитувчи ҳар қандай кўнгилга йўл топади.  
♦ Уқитувчининг марҳамати — қўшдек ҳаммага барабар.  
♦ Уқитувчининг муомаласи ипак, талаби тошдир.  
♦ Уқитувчи шогирдларини соясидан ҳам

танийди.  
♦ Одоби болани ҳамма яхши кўради, уқитувчи эса одобсизни ҳам меҳри билан яхшилар қаторига қўшади.  
♦ Барча ўқувчилар билан тил топишиш — маҳоратдир.  
♦ Уқитувчи — ҳаёт йўлларининг машъалидир.  
♦ Уқитувчи ҳаққий ва ҳақиқатчи инсондир.  
♦ Уқитувчининг сифати — шогирдда кўринади.  
♦ Уқитувчи — ҳаёт йўлининг сарбони.  
♦ Уқитувчи — ҳаёт боғининг боғбони.  
♦ Чироқ кўтарган — олдига юради.  
♦ Уқитувчи илмни экеди, жамият эса, унинг медалларини тиради.  
♦ Уқитувчининг қўшдек тафти — инсоният гулзорини қайта-қайта гуллатади.  
♦ Педагогика ҳам санъат, унга талант керак.  
♦ Уқитувчи — синф кемазининг капитанидир.  
♦ Тарбия воситаси — меҳр.  
Ветеран педагог: Матлуба УЛУҒОВА.

## Ёш авлодга ғамхўрлик

Ёш авлод — бизнинг келажигамиз, умидимиз, она-ватанимиз посбони ва қудратидир. Жонажон Коммунист партияси ва Совет ҳукумати ёш авлодга қамолоти учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

Тошкентдаги ёш ўқувчиларга 8 та янги типовой мактаб ишга туширилиб, улар кунига 11 мингдан зиёд ўқувчилар жалб қилинди. Бу янги мактабларда 6 ёшлилар учун алоҳида шартлар яратилиб, мактабларнинг биринчи қаватларида уларга тўлиқ имкониятлар яратилди.

Бундай ғамхўрликни Киров райони мисолида ҳам аққол кўриш мумкин. Бу ўқув йилида Юнусов мактабига бир йўла тўртта мактаб қад кўтарди.

Революциядан илгари бирорта боғча-ясилар нима эканини билмаган бир районда ҳозир район халқ маорифи бўлими ихтиёрида 58 та болалар боғча-ясилари, район корхоналари ихтиёрида 21 та боғча-ясил бор.

Энг қувончлиси шундаки, янги ўқув йилидан мактаб ислохотини амалга ошириш учун мактаб ўқув базаларига, техника воситаларига, кўргазмаларга ўқув қуролларига анча маблағ сарфланди. Биз маорифчилар ана шу ғамхўрликларга жавобан ғайрат-шижоат билан ишлаб, ёшларни чинакам коммунист руҳда тарбиялаш учун бутун куч-билимимизни сарфлаймиз.

С. МАҚСУДОВ, директор, СССР халқ маорифи аълочи.



Уқитувчи касби — шарафли касб. Чунки у ёш авлодга дастлабки таълим-тарбияни беради, уни катта ҳаётга йўллайди. 82-мактабнинг биологика уқитувчиси Мавлуда Шодибекова ҳам ўз касбига меҳр қўйган. У — гуллар шайдоси. Ушбу суратда у болаларга гулларнинг турлари, ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўзлаб бермоқда.

Р. Альбеков фотоси.

## Табаррук инсон

Уқитувчи... Бу олижаноб касб ҳамма учун азиз ва муҳтаббдир. Уқитувчи деганимизда доно-ю-олим, ишчи-ю-иёли, қўйинчи ҳамма касб-хўна қилчилари сабоқ олган табаррук сиймо кўз ўнгимизда жонланади. Биринчи ҳарфини, Ёш ва ўқитини ўқитувчилар ўрганади.

Уқитини министр, олим, ҳунарманд, Е адиб бўлару, орзу ушатар.

Ёшда сақлайди азиз устозини, Кўрганда тик туриб жойини бўшатар. Ёшда ўқитувчининг фазлу-қамолоти, қадр-қиймати мана шундай баланд ва улғу. Уқитувчининг ёш ҳам, кекса ҳам баробар эъзозлайди. Мен узоқ йиллар давомида ўқитувчилик қилиб, бу касбнинг ниҳоятда шарафли эканини жуда кўп ҳис этганман. Бир кун Тошкентнинг энг чека тоғлиқ қишлоғига бориб қолдим. Ўрта ёшлардан бир киши мен билан қучоқлашиб кў-

ришди, кўзлари севинчдан ялттираб: «Сиз менинг ўқитувчимсиз, хуш келибсиз, устоз», деди. Кейин билсам бу киши тоғлар орасида чўпонларнинг фарзандлари учун мактаб очиб, ўқитувчилик қилар экан. Бир пайтлар педагогика институтида менда тахсил олганини айтганда шу қадар бахтлиманки, ўқитувчи номи шунда атрофдаги тоғлардан кўксимни кўтариб юборди.

Шарафли касбин яна ҳам шарафлаш ўзимизга боғлиқ. Уқитувчи ўз касбининг чин ихлосдан севини, ўқитиб билими, ақлзаковати, моҳирона дарс бериши, намунали ахлоқ-одоби, ўзини тутат билиши, ёш авлодга меҳр-муҳаббатни, диққат-эътиборни билан алоҳида ажралиб турниши керак. Совет ўқитувчиси халқ маорифининг етакчи кучи сифатида энгилларнинг олдинги сафига боради. КПСС XXVII съезидан совет ўқитувчилари олдинга муҳим вазифалар қўйилди-ки, буларни бажаришда ўқитувчи-

ларимиз фидокорлик кўрсатдилар. КПССнинг янги тахрирдаги Программасида: «Мактаб ўқувчиларига Ватанга муҳаббат, коллективизм, катталарга, ота-оналар ва ўқитувчиларга ҳурмат туйғусини синдиришга, ёш авлоднинг ўқитиб ва меҳнат сифати учун, ўз ҳуқуқ-авторитетини устувор қилишга руҳланишга тарбиялаш, ўқувчиларнинг ўз-ўзини, бошқарувини ривожлантиришга даъват этилган» дейилган.

Ўз байрамларини нишонлаётган шарафли касб эгалари бўлган ўқитувчиларимиз, халқ маорифимизнинг барча фидойилари жонажон Коммунист партияси ва Совет ҳукуматиимиз аниқ-равшан белгилар билан таъдирларни дадил ва сидиқидан амалга оширдилар.

Ҳақиқат педагогларга, ўқитувчиларга мураббийларга ўқитувчилар кунда эзгу меҳнатларига, тарбия масканларидан ишда муваффақиятлар тилайман.

Ўқитиб РАШИД, шояр ва педагог.

## АНТИҚАГАПЛАР

«ИШ ҲАҚИГА ХИЕНАТ» МАЙМУНЛАРГА ЕҚМАДИ

Малайзия шаҳри Телок-Ансон қишлоғида кокос пальмазоридида галати «забастовка» бўлиб ўтди. Уни маймунларнинг бир тури — макакилар эълон қилишидан ва нонушадан сўнг ишга чиқишдан бош тўтиб, қарафаларда ўтириб олдилар. Назоратчилар нима гапига тушунолмади гарант эдилар, чунки шу пайтгача маймунлар пальма даракхларига чиқиб ёнғоқ увардиларда. Дўқ-пўписалар ҳам.

аллаб-судлашдан ҳам маймунларга таъсир қилмади. Агар қиёмнингдир эсига эрталаб уларни қандай боқилганини текшириш тўғрисида қамалганда, «забастовка»нинг қанча давом этиши номалум эди. Маълум бўлишича, янги назоратчи маймунларга одатда бериладиган банан нормасидан уриб қолган экан. Шундан сўнг маймунларга уриб қолган бананлар қайтарилди ва товлон сифатида тагин беш донадан банан қўшиб берилди-ю, «забастовка»чилар дарров ишга киришдилар.

УРФОДАТ КУЧИ

Англияда урф-одат билан ҳақиқатнинг бўлмайдиган, дейишди. Ўрта асрларда Темза дарёси кўприклари-нинг биридан кўй ҳайдаб ўтиш тақиқланган эди. Фақатгина Лондон шаҳрининг фахрий граждандари бундан мустасно эдилар. Ўшанда бир фахрий гражданининг ҳаёлига ўша қанчалар қонуни эслатиб қўйиб келиб қолди. У эғнига франк, бошига қилиндри қийиб, қўлига қамчи ушлаганча тақиқланган кўприкдан бир пода қўйиб ҳайдаб

Қадимги кўлёмаларни варақлаганда

## Оқиллик

Алишер Навоий айтди:

— Батлимус Жолнууснинг шогирдидур. Ва анинг сўзларидан буким, қобилининг саодати будирким, фаҳим бўлғай. Некбахт улдуким, эл ҳолидан панд олғай ва бадбахт улким, анинг ҳолидан эл панд олғай.

Шеър:

Улус афъолидин сен бўл баруманд.

Ифқ улким, олғай афъолингдин эл пан.

Бузургмеҳр Нўширавонни одилнинг вазир эрди. Анинг сўзларидиңдуким, устодимдин сўрдимким, йиғитликда не қилмоқ яхши ва қарилғида не қилмоқ? Дедиким, йиғитликда илм касб қилмоқ ва қарилғида ани амалга келтурмак яхшидур.

Шеър:

Йиғитликда йиғ илмининг ганжини,

Қарилғи чоғи сарф қилғил ани.

## Тафовут

Алишер Навоийнинг энг яхши кўшмаҳаббиди, йиғитлик маданият арбоби, шоир Сайид Ҳасан Ардашери табиат ҳодисалари ҳақида чуқур фикр юритар эди. Бир кун, ўлтиришлардан бирда ҳозир бўлган фозиллар ўртасида нарсаларнинг бир-бириндан фарқлари ҳақида сўз кетди. Шунда иштирок этаётганлардан бири кўйидаги байтнинг ўқиди:

Лаъл сангасту дегин сангин санг,

Лек андар миён тафовут ҳаст.

Шунда Сайид Ҳасан Ардашери жуда қўйиб қўлиб, ҳаёжон ва завқ билан дейди:

— Бир оқил киши айтиб-дурки, тош қозон билан лаълнинг иккалови ҳам тошдур. Бироқ ораларида фарқлар бор. Тош қозон фақат фойда беради. Унда ширин таомлар пишади ва барча баҳраманд бўлади. Лаълдан эса кишига ҳар турли балолар келади.

## Низом

Алишер Навоий инсон умрининг низомини тузиб берди. У айтди:

— Одам юз йилча умр кўриши керак. Ҳар бир умр фаслининг ўзига хос белгилари бор. Уларга риоя қилиш лозим. Ўн-йигирма ёшгача киши ғайлатда, ўттиз-қирқ айл вақти, эллик ёшгача иш қилишда одам олти ёшда таназулдан қўлиб кетади. Етмишда тик туриш, саксонда ўлтириш, тўқсонда ётиш керак. Фақат юз ёшлар атрофида жон тарқини қилса бўлади. Бехуда умргузаронликдан эҳтиёт бўлиш, умрини мазмунли ўтказиш лозим:

Яхшироқ ул умрдия ўлмоқ йироқ,

Умр неким, андин ўлим яхшироқ.

Б. ВАЛИЕВ тўплаган.

## ХАНДАЛАР

КЕЧИКИМАН  
Доктор беморга:  
— Агар чекиш ва ичишдан воз кечсангиз сиз 70 га киришгансиз мумкин.  
— Ундай бўлса кечикиман,

Шаҳримизда шундай оила бор



## ЯНГИ ҲАЁТ ФИДОЙИЛАРИ

Тошкентнинг «Саноат» маҳалласида истиқомат қиладиган нуруний отахонлар даврасида бўлиб қолсангиз «беш қалдирчоқ» ҳикоясини эшитасиз. Ҳа, беш ана-ука эл фарзанди, инқилобчи ва маъри. Фатпарварлар ҳикоясини...

Беш ота-ини: Муҳиддин, Тождидин, Саъиддин, Шамсиддин, Насриддин Шарафиддинлар 1916 йилдаги Тошкент халқ кўзғолонида қатнашдилар. Сўнгра эса улар инқилобнинг бевосита иштирокчилари бўлиб, ўлкада эски тузумни ағдариб ташлаш, янги ҳаёт қуришда фаол қатнашдилар. Муҳиддин Шарафиддинов М. Фрунзе, В. Куйбишев тавсияси билан 1920 йилда Бухоро инқилобидан сўнг қаҳирланган 1-курслот комиссиясининг раиси қилиб тайинланди. Тождидин Маркида мактаб очди, унда эндиликда элга яхши маълум шоир, драматург Уйғун, академик Е. Тўрақўлов, ёзувчи У. Исмониллар ҳам дастлаб хат-савод оинадилар. Саъиддин Тошкент атрофидаги қишлоқлардан Ҳасанбой, Посрларда саводсизликни тугатиш курсларини очди, деҳқонларга нур-зиё улашти. Шамсиддин инқилобни қўлайди, «Интернационал» (Байналминнал), «Марселеза»ларни ўзбек тилига таржима қилиб, дастлабки ўзбек совет драматургияси қалдирғочларидан, театр таъкилотчиларидан бўлиб танилди. Насриддин эса Тошкентдаги 1919 йилда кўтарилган контрреволюцион қўзғолонни бостиришда, Андижондаги Охунжон кўрбоси босмачиларини тор-мор этишда фаол қатнашди...

Ана шу «беш қалдирчоқ»дан бири табаррук отахон Насриддин Шарафиддинов (Шарафиддин) катта сермазун ва қизиқарли ҳаёт йўлини босиб ўтиб, 95 ёшга ўтди. У инқилобдан аввалги аниқли турмуш исқанаси инқилобнинг 83 ҳаётида кўриб, илмий-билимий бўлишга интилди. Эски шаҳардаги рус-тузем мактабидида ўқиб, кейинчалик театр труппаси билан гастролларда иштирок этди.

1917 йилда Насриддин Шарафиддинов Ленин ташаббуси билан ташкил этилган ишчи-деҳқон Қизил Армияси сафига кирди. 1918-24 йиллар мобайнида ЧК отрядида хизматда бўлиб, шўро тузумига қарши бўлган унсурлар билан олиб борилган қурашда фаол қатнашди. 1919 йилда оқ гвардиячи Осипов бошчилигидаги контрреволюцион ҳаракатни тор-мор этишда иштирок этди. Андижонда босмачиларга қарши олиб борилган жангларда бўлди (бу ҳақда машҳур қизил комиссар Низомиджихўжаев билан 1919 йилда тушган фотосурат, РСФСР ЧКси томонидан берилган «36» рақамли гувоҳнома, Туркистон революцион ташкилот томонидан берилган «108» рақамли мандатлар ҳам гувоҳлик бериб турибди). У Ленин декретига биноан тузилган ва «Болалар бизнинг келажиги».

Улар хонадонда, дастурхон атрофида фаровон ҳаётимиз, тинч-тўқин замонамиз ҳақида мунтазам суҳбатлар бўлиб туради. Ота билан ая фарзандларига ҳам ҳаммиса эзгуликка, халқ бахт-саодати, жамият ривожини йўлга хизмат қилишни, коммунистлар бўлишларини уқитиб туришди.

Ҳа, совет воқелиги, ленинча миллий сиебатимиз, бахтли замонамиз тўғрисида умри-ҳаёти гулгун яшнаган Насриддин ота ва Ёқутхон аялар бугун бахт-ниҳонинг авж палласида. Бир «Қаҳрамон она», яна бири эса инқилоб ва меҳнат ветерани, республика миқёсидаги шахсий пенсионер.

Дарҳақиқат, ушбу муътабар ва муҳтарам зотларнинг сермазун ҳаёти ҳамма миз учун ибратлидир.

С. САИДОВ.

СУРАТЛАРДА: Насриддин ота Шарафиддинов ва унинг умр йўлдоши Ёқутхон ая фарзандлар ва неваралар даврасида. Т. Қаримов фотолари.



Келинг, бир қулишайлик

КЎЗОЯНАК  
Доктор бемордан:  
— Ухлаётганингизда нега кўзоянак тақасиз? — деб сўради.  
— Кўзим шундай ёмон кўрадиган бўлиб қолганини тушимда кўрган одамларимни

яхши эслаб қололмаяпман. Шунинг учун ухлаганда кўзоянак тақиб ухлайман, — деди бемор.  
Французчадан Н. ЮСУПОВА таржимаси.

## ТУРСОА ОЛАМ

ОПГАЧА ПИЕДА ЮРИБ

Ҳар биримиз ўз ҳаёти-мишарида Ердан Ойгача бўлган масофани пиеда босиб ўтган. Агарда ишқимсангиз, ҳисоблаб қўйингиз: бир кунда одам ўртача 20 минг, бир йилда эса қарийб 7 миллион одим ташлайди. Демак, унинг йилда 70 га етганда «ҳисоб»да 500 миллион қадам йиғилади, агарда бунинг узунлиги ўлчовига айлантурсак 384000 километрни ташкил этади. Бу Ердан Ойгача бўлган масофага тенг.

ҚАДИМГИ СПАРТА БҲИДОҚЛАРИ

Қадимги Греция Спарта-сида турмушта чиқмаган аёллар баҳор байрами кунини ер маъбудаси эҳромига йиғилишдан олдин, шаҳар бўйлаб кезиб, бўйдоқларни ушлашар (ёш ўғитдан ошган эркакларни) ва уларни ниқоҳ маъбудаси ҳайнали поинга олиб келишар эди. Шу ерда қатор маросимлардан сўнг бўйдоқларни жазолаш бошланарди: уларни яхичин билан савалаб, ҳар хил сўлар билан қийнашарди. Бу одат Ликург қонуналарининг оқибати бўлган. Ликург эркаклар 30 ёшгача ўлганиларни, аёллар 20 ёшда турмушта чиқишлари лозим, деб қарор қилган эди.



НАБИРАЛАРИ ҚАНЧА БЎЛГАН ЭКАН?

Марокашлик султон Мулла Исмонил жаҳондаги энг катта оиднинг бошлиғи бўлган. Унинг 548 ўғли ва 340 қизи бўлган, деб ҳисобланади. Унинг кўп сонли ҳарамидида ҳар йигирма кунда бир бола туғилган.



ЭВЕРЕСТ ТАРТИБГА КЕЛТИРИЛМОҚДА

Непал туризм министри-нинг вақили жаҳондаги энг баланд чўққи — Эверест районини тартибга келтириш, яъни кўп сонли экспедициялар ташлаб кетган 400 килограммга яқин консерва банкаларидан, бўш шишалар, пластик қопчалардан тозалаб лозим, деб эълон қилди. Шу мақсадда иккита карьер ажратилди, эндиликда бутун чиқиндилар ана шу ерга ташланади. Барча экспедициялар чиқиндиларни қонтейнерларга тўлаб, ана шу «ахлат» чуқур-ларига элтишлари керак.

БОЛТА КАБИ... УЧАДИ

Нарьян-марий авиатех-ник Владимир Дуркин ода-дан ташқари жаҳон рекорд-ларидан бирининг мували қилди. Гап шундаки, кун-лардан бир кун у болтани 186 метр 56 сантиметр ма-софага улоқтиришга му-ваффақ бўлди. Болтанинг ана шундай олди парвозига ҳеч ким ҳайратлангани йўқ. Сабоби, биринчидан бу воқеа шимол миллий кўп кураши бўйича Россия биринчили-га да содир бўлди. Ана шу би-ринчиликда энг кучлилар ва таққорлар болта улоқтириш, арқон ташлаш, нарта усти-дан ҳатлаш ва таёб билан уч километр масофага югу-риш бўйича беллашдилар.



УН БЕШ ЕШЛИ СТУДЕНТ

Рустам Валиуллин ўрта мактабни медал билан битирганлиги учун муддатидан илгари В. И. Ленин номи-даги Қозон Давлат униве-рситетининг физика факультети биринчи курсига қабул қилинди.  
Студент Валиуллин 15 ёшда — у мамлакатимизда-ги энг кекса олий ўқув юр-тининг энг ёш биринчи курс студенти. Рустам Мокро-курналинскада ўрта мактаб-ни тугатлаган. У биринчи разрядли чангичи, мерган-лик бўйича мусобақалар-нинг совриндори, бадий ҳаваскорлик тўғрисида фа-ол қатнашди.

Махсус «Тошкент оқшоми» учун

# «МЕН МУТЛАК БЕТАРАФМАН...»

РЕВАНШ МАТЧИДА

Жаҳон шахмат тоғи учун совет гроссмейстерлари Гарри Каспаров ва Анатолий Карпов ўртасидаги реванш матчининг ўйин бўладиган кунларида мусобақанинг бош судьяси, халқаро классик судья, халқаро гроссмейстер Фарбий германялик Лотар Шмидт ҳамisha саҳнада бўлади. Навбатдаги дам олиш кунин у «Тошкент оқшоми» газетонлари учун бир неча саволларимизга бажонидил жавоб берди.

— Матч ҳақидаги умумий тасавуригиз қандай?

— Матч ташкилотчилари қатнашчилар ва меҳмонлар учун ҳам зарур бўлган ҳамма шароитни яратган. Шахмат ўйналаётган хона аъло даражада тайёрланган. Шахмат доналари ва столи ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Айтгандай, шу шахмат доналари ва шахмат столида Москвада ҳозирги рақиблар аввалги икки матч ўйинларини ўтказишган эди.

Анатолий Карпов ва Гарри Каспаров шахмат дунёсини янги назария билан бойитиш қобилиятига эга эканликлари ни исботлашди.

— Ингирма партия ўйналди. Сизнинг олдиндаги биронта проблема пайдо бўлди.

— Мен Исландиядаги Рекия-вик шахрида Борис Спасский ва Роберт Фишер, Филиппин-

даги Багно шахрида Анатолий Карпов ва Виктор Корчной ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилиги матчида бош судьялик қилганман. Бундай олий даражадаги матчида ўтказишда келиб чиқадиган қийинчиликлар ва проблемаларни яхши биланман. Ана шу матчлар давомида тўплаган тажрибам қўл келмоқда. Хозирги рақиблар Г. Каспаров ва А. Карпов бир-бирига дўстона муносабатда. Шу боисдан ҳам судьялик функцияни бажараётганимда ҳеч қандай қийинчиликка дуч келмаётганим йўқ. Умуман матдан ҳам, иштирокчилардан ҳам хурсандман.

— Бош судья вазифасини бажаришни Сизга топширишганининг бош сабаби нимада?

— Халқаро шахмат федерациясининг қондасига биноан матч қатнашчиларининг ҳар бирига етти кандидат рўйхати



бундай бўлди! Эҳтимол, бунга энг йирик шахмат мусобақаларида судьялик қилишда катта тажрибага эга бўлганлигим сабабдир. Бундай матчининг

судьяси шахматни мукаммал билиши, халқаро гроссмейстер бўлиши, айна пайтда буюк шахматчиларнинг илтимос ва ўзига хос хислатла-

рини яхши билиши керак.

— Асосий касбигиз нима?

— Мен асосан китоб нашр этиш билан шуғулланман. Фаолиятим шу боисдан ҳам иккига бўлинган: ноширчилик ва шахматчилик. Афсуски, шахмат билан фақат бўш вақтлардагина шуғулланишга тўғри келади. Бошқа вақтларда эса асосий иш билан банд бўламан.

— Г. Каспаров ва А. Карпов ўртасидаги баҳс уч йилдан бундан давом этмоқда. Бу баҳс шахматга нима берди?

— Лимит белгиланмаган биринчи матчида Жаҳон шахмат федерацияси қондасида белгиланмаган ҳодиса юз берди. Шу боисдан ҳам баҳсни тўхтатишга тўғри келди. Мен ҳамisha лимит белгиланган матч тарafdори бўлиб келганман. Ҳозир ҳам учрашувни 24 партиядан иборат қилиб белгиланишини энг яхши усул деб ҳисоблайман.

Ҳозир бутун жаҳонда матча бўлган қизиқиш низоҳатда катта. Бу қизиқишни Г. Каспаров ва А. Карпов аждоғидек келтиришди. Улар шахматнинг энг яхши элчиларидир. Шахмат эса халқлар, мамла-

катлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш билан бирга улар ўртасидаги ҳамкорликни аждоғидек келтиришга шароит яратди.

— Сизга Г. Каспаров ва А. Карповдан қайси бирининг услуби ёқад?

— Судья сифатида мен Г. Каспаров ва А. Карпов ўртасидаги рақобатга ўз муносабатини баён эта олмайман. Айна пайтда ҳеч нарса демаслик ҳам маъқул эмас. Ҳақиқатан мен мутлақ бетарафман. Менинг Г. Каспаров ва А. Карповга бўлган меҳрим бир хил. Чин маънода ҳолис вазифани ўтамоқдаман. Судья ҳамisha ана шундай позицияда туриши керак.

Биз суҳбатдошимизга «Тошкент оқшоми» газетонлари номидан миннатдорчилик изҳор этдик. Маъсулиятли баҳсини муваффақиятли якунлашда омад тиладик.

Б. КАНИШЧИКЕР,  
халқаро классик судья.

Редактор

Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

## реклама ЭЪЛОНЛАР реклама

ТОВАРЛАР ХАЛҚА!



«Электроника» фирма  
магазин-салони

Феррит ва шишадан ясалган олий ва биринчи класс стерео магнитофонлари учун мўлжалланган ФЕРРИТ МАГНИТ ГОЛОВКАЛАРИНИ

### ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

УЛАР 20-20000 Гц ДИАПАЗОНДА ИШЛАШ ЖАРА-ЕНИДА ЭПИТИРЛИШНИНГ МУЪАДИЛ ЧАСТОТА-ЛИ ХАРАКТЕРИСТИКАСИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

Ферритдан ясалган магнит головкалари одатдаги головкаларга қараганда 10 мартаба кўп вақт хизмат қилади.

Баҳоси — 80 сўм.  
Магазин-салон адреси: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй (3, 2, 4, 13-трамвайларнинг «Қуйбишев район ижроия комитети» бекати). Телефон 33-89-12.

Ҳурматли Тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари!



ТОШКЕНТ  
РЕСПУБЛИКА  
ОТЧОПАР

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ОТ СПОРТИ  
МАРКАЗИ ҲИСОБЛАНАДИ.

СИЗЛАРНИ  
5, 12, ОКТЯБРЬ КҮНЛАРИ  
СОАТ 11.00 ДА БЎЛАДИГАН МУСОБАҚАЛАРНИ  
ТОМОША ҚИЛИШГА

### ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

МУСОБАҚАЛАР ПРОГРАММАСИ:  
АНЪАНАВИЙ ВА БОШҚА СОВРИНЛАР УЧУН ПОЙГА  
МУСОБАҚАЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ССР, ҚОЗОҒИСТОН ССР ва  
РСФСР колхоз-совхозлари от заводларининг энг яхши  
тулпорлари қатнашади.

ОТ СПОРТИ ЛОТЕРЕЯСИ ҲИСОБЛАДИ  
Бир пойгада иштирок этувчи билетнинг баҳоси — 1 сўм.  
ХАВАСКОР ЧАВАНДОЗЛАР УЧУН ПРОКАТ  
ПУНКТИ ИШЛАЙДИ.

Прокат пункти йил бўйи (душанбадан ташқари) хизмат  
таъминлайди.


Корхоналар, олий ва ўрта ўқув юртлири ҳамда муассасаларнинг  
раҳбарлари билан шарномамалар тузади.

Ўйраган бир соатга прокатга олиш баҳоси 3 сўм.  
ЭНГ ШОДИБНА ВА ТАНТАНАЛИ КҮНИНГИЗДА 4  
УРИНЛИ УЧ ОТ ҚўШИЛГАН РУС АРАВАСИДА САЙР  
ҚИЛИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.

Бир соатга 20 сўм ҳақ туланади.  
Уринли фойтдаки бир соат сайр қилиш баҳоси — 10 сўм.

Энг кичиктой меҳмонлар учун болалар фойтонини тавсия  
этамиз.

Билет баҳоси 30 тийин.



ОТЧОПАРДАГИ «ВЕГА» РЕСТОРАНИ СОАТ 12 ДАН  
23.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ; таянфус соат 17 дан 18.00 гача.

Прокат соат 10 дан 18.00 гача очил.

ОТЧОПАР ТЕРРИТОРИЯСИДА АЙШАНБА КҮН-  
ЛАРИ СОАТ 12.00 ГАЧА САНОВАТ ЯРМАРКАСИ ТАШ-  
КИЛ ЭТИЛАДИ.

Отчопар адреси: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги  
проспекти (метронинг «С. Раҳимов» станцияси; 153, 172,  
173, 180, 448-автобуслар; 17-трамвай, 1-«Қўйлиқ»  
— Калинин район маркази маршрутли таксининг «Тошкент  
отчопари» бекати).

Телефонлар: 76-76-28, 76-75-47.

Ўзбекистон ССР

Хунар-техника таълими  
давлат комитети

Тошкент шаҳар Хунар-  
техника таълими бошқарма-  
сининг

ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН  
56-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА

БИЛИМ ЮРТИ  
қуйидаги ихтисосликлар

бўйича  
ЎҚУВЧИЛАР  
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ип йиғирувчилар, тикувчи-  
лар, калава, ип пишитувчи-  
лар, тикув ва йиғирув маши-  
налари бўйича мастер ёр-  
дамчилари, слесарь-ремонтчи-  
лар, бўёқчилар.

Ўқиш муддати 1  
йил ва 3 йил.

Билим юртига 8-10-синф  
ҳажмида маълумотли 15 ёш  
ва ундан катта бўлган йигит  
ва қизлар, Совет Армияси  
сафида хизмат муддатини  
ўтаган ёшлар қабул қили-  
нади.

Ўқишга 3 йиллик муддат-  
га қабул қилинганлар қийм-  
ли, 3 маҳал оқат ва иш  
қийми билан таъминлана-  
ди.

Ишлаб чиқариш практи-  
каси даврида 50 процент  
маош берилади.

Ўрта маълумотга эга бўл-  
ган ўқувчиларга 30 сўм  
стипендия берилади ва кор-  
хона қўшмача 40 сўм тўлай-  
ди.

Областдан келган ўқувчи-  
лар ётоқхона билан таъмин-  
ланади.

Ўқиш ЎЗБЕК ВА РУС  
ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БО-  
РИЛАДИ.

Ўқишни аъло баҳолар бил-  
лан битирган ўқувчиларга ўр-  
та ва олий ўқув юртлирига  
қариб ўқишни давом этти-  
ришлари учун йўлланма бе-  
рилади.

Билим юрти қошида пул-  
ли автомобиль ҳайдаш  
курслари мавжуд.

Билим юртида спорт база-  
си ва ҳар хил тўғараклар  
ишлайди.

Ўқиш ГРУППАЛАР  
КОМПЛЕКТЛАНГАН ДА Н  
КЕЙИН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйи-  
даги ҳужжатлар керак: ту-  
гилганлик тўғрисидаги гу-  
воҳнома (ёки паспорт), маъ-  
лумоти ҳақидаги ҳужжат,  
соғлиги тўғрисидаги гувоҳ-  
нома, турар жойидан спра-  
ка, 6 донат 3х4 см ҳажмида-  
ги фотосурат, ариза, таржи-  
маи ҳоли.

ҲУҶЖАТЛАР СОАТ 9  
ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ  
ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тош-  
кент шаҳри, Сергели район,  
Қўйлиқ маҳаллиси, 5-«б»  
(37а, 45-автобуслар, 26-  
трамвай; 11, 30-маршрутли  
таксининг «Қўйлиқ-5«б» бе-  
кати).

Телефонлар: 76-76-28, 76-75-47.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ  
КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КО-  
МИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ  
ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОТЕАТРАЛАРИДА

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КҮНИГА ВАҒИШЛАВ  
БАДИИЙ ВА ҲУҶЖАТЛИ ФИЛЬМЛАРНИНГ

ТЕМАТИК НАМОЙИШНИ  
ЎТКАЗАДИ

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:  
ҲАМЗА НОМИДАГИ КИНОТЕАТРАДА  
6-7 октябрь — МЕН СЕН УЧУН ЖАВОБГАРМАН.  
«МОСКВА» КИНОТЕАТРАДА  
4-5 октябрь — ТУНГИ ХОДИСА.  
6-7 октябрь — МЕНИНГ ТАНЛАГАНМ.  
ЛИСУНОВ НОМИДАГИ КИНОТЕАТРАДА  
4-5 октябрь — АРМИЯ — МЕНИНГ ҲАЁТИМ.  
6-7 октябрь — ДЕПУТАТ СОАТИ.  
ВЛКСМ 30 ЙИЛЛИГИ НОМИДАГИ КИНОТЕАТРАДА  
4-5 октябрь — ЯШИРИН ОВОЗ БЕРИШ.  
6-7 октябрь — ЕР СЕНИНГ ЎҒЛИНГ.  
К. ЕРМАТОВ НОМИДАГИ КИНОТЕАТРАДА  
7 октябрь — УМИД ВА ТАЯНЧ.  
ХУҶЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:  
«МОСКВА» КИНОТЕАТРАДА  
7 октябрь — ЕШЛАРГА ИШОНЧ.  
ЛИСУНОВ НОМИДАГИ КИНОТЕАТРАДА  
7 октябрь — ЗАРЯН ДЕПУТАТЛАРИ.  
«ҚОЗОҒИСТОН» КИНОТЕАТРАДА  
7 октябрь — ЕШЛАРГА ИШОНЧ.  
СОБИР РАҲИМОВ НОМИДАГИ КИНОТЕАТРАДА  
7 октябрь — ИЖРОКОМ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ...

«ЮБИЛЕЙ»  
МАРКАЗИЙ  
СПОРТ ЗАЛИДА  
СССР Биринчилиги учун  
Биринчи лига командалари  
ўртасида

11-12 октябрь соат 17.00  
да «ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «ТОРПЕДО» (Усть-Ка-  
меногорск).  
25-26 октябрь соат 17.00  
да «ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «СИБИРЬ» (Новоси-  
бирск)

Билетлар «Юбилей» мар-  
казий спорт зали кассасида  
сотишмоқда.  
Справклар олиш учун  
телефонлар: 46-67-53, 46-68-  
77 администратор; 46-03-12  
46-70-31 — касса.

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

ХОККЕЙ

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

7-8 октябрь соат 18-30 да  
«ВИНОКОР» (Тошкент)  
— «АВТОМОБИЛИСТ» (Ка-  
раганда).

ХУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЯТАХТИМИЗ

МЕҲМОНЛАРИ  
4, 5 ва 6 ОКТЯБРДА

К. МАРКС КҮЧАСИДА БЎЛАДИГАН  
«ОБИ НОНЛАР ВА ПАЛОВЛАР КҮНИ»-ГА

ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

АНА ШУ КҮНЛАРИ ПАЗАНДАЛИК САНЪАТИ-  
НИНГ ЭНГ ЯХШИ УСТАЛАРИ СИЗЛАР УЧУН 30  
ХИЛ РАҢГ-БАРАҢГ — ФАРҒОНАЧА, ХОРАЗМЧА,  
БУХОРОЧА, САМАРҚАНДЧА, АНДИЖОНЧА, ҚАШ-  
ҚАДАРЧА, ОЗАРБАЙЖОНЧА, АРМАНЧА, ХАВАС-  
КОРЛИК ПАЛОВЛАРИНИ, УСТА НОНВОЙЛАР ЭСА  
15 ХИЛДАН ОРТҚИ ЎЗБЕК МИЛЛИ — ТҶИ НОН,  
ЛОҶИРА, ЖИЗЗАЛИ НОН, ҚАТЛАМА НОН, ШИР-  
МОЙ НОН, КУЛЧА НОН, СУТЛИ НОН, ОБИ НОН-  
ЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИЛАР.

ТОШКЕНТ ШАҲАР УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ БОШ  
БОШҚАРМАСИ ТАШКИЛ ЭТГАН «ОБИ НОНЛАР  
ВА ПАЛОВЛАР КҮНИ» ВАЙРАМИ СОАТ 18.00 ДА  
БОШЛАНАДИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ  
БОШ БОШҚАРМАСИ.

АНА ШУ КҮНЛАРИ ПАЗАНДАЛИК САНЪАТИ-  
НИНГ ЭНГ ЯХШИ УСТАЛАРИ СИЗЛАР УЧУН 30  
ХИЛ РАҢГ-БАРАҢГ — ФАРҒОНАЧА, ХОРАЗМЧА,  
БУХОРОЧА, САМАРҚАНДЧА, АНДИЖОНЧА, ҚАШ-  
ҚАДАРЧА, ОЗАРБАЙЖОНЧА, АРМАНЧА, ХАВАС-  
КОРЛИК ПАЛОВЛАРИНИ, УСТА НОНВОЙЛАР ЭСА  
15 ХИЛДАН ОРТҚИ ЎЗБЕК МИЛЛИ — ТҶИ НОН,  
ЛОҶИРА, ЖИЗЗАЛИ НОН, ҚАТЛАМА НОН, ШИР-  
МОЙ НОН, КУЛЧА НОН, СУТЛИ НОН, ОБИ НОН-  
ЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИЛАР.

ТОШКЕНТ ШАҲАР УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ БОШ  
БОШҚАРМАСИ ТАШКИЛ ЭТГАН «ОБИ НОНЛАР  
ВА ПАЛОВЛАР КҮНИ» ВАЙРАМИ СОАТ 18.00 ДА  
БОШЛАНАДИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ  
БОШ БОШҚАРМАСИ.

АНА ШУ КҮНЛАРИ ПАЗАНДАЛИК САНЪАТИ-  
НИНГ ЭНГ ЯХШИ УСТАЛАРИ СИЗЛАР УЧУН 30  
ХИЛ РАҢГ-БАРАҢГ — ФАРҒОНАЧА, ХОРАЗМЧА,  
БУХОРОЧА, САМАРҚАНДЧА, АНДИЖОНЧА, ҚАШ-  
ҚАДАРЧА, ОЗАРБАЙЖОНЧА, АРМАНЧА, ХАВАС-  
КОРЛИК ПАЛОВЛАРИНИ, УСТА НОНВОЙЛАР ЭСА  
15 ХИЛДАН ОРТҚИ ЎЗБЕК МИЛЛИ — ТҶИ НОН,  
ЛОҶИРА, ЖИЗЗАЛИ НОН, ҚАТЛАМА НОН, ШИР-  
МОЙ НОН, КУЛЧА НОН, СУТЛИ НОН, ОБИ НОН-  
ЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИЛАР.

ТОШКЕНТ ШАҲАР УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ БОШ  
БОШҚАРМАСИ ТАШКИЛ ЭТГАН «ОБИ НОНЛАР